

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРИ

Маматова Дилноза Бекпўлатовна
Докторант, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети, Тошкент, Ўзбекистон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Мақтабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси мақтабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори[1.3] бунга далилдир. Мақтабгача таълим ташкилот (МТТ)ларида таълим-тарбия жараёнини юқори савияда ташкил этиш тарбияланувчиларга таълимнинг кейинги босқичларида қийналмасдан давом эттиришга имкониятлар яратади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш, мақтабгача таълим ташкилотларида компетентли илмий педагогик кадрлар захирасини яратиш”[2.5] каби вазифалар белгиланиб, бу борада бугунги кунда инглиз тили ўқитувчиларида ижтимоий коммуникативликни фаоллаштириш, ижтимоий лингвистик тайёргарлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда маълумки, дистанцион таълим, блендид таълим тобора кенг жорий қилинмоқда. Бунинг ўзига хос ижобий томони шундаки, таълим олувчи ёки малака оширувчи масофадан туриб кенг имкониятга эга бўла олади. Бунинг натижасида нафақат таълим олувчи балки таълим берувчи ҳам вақт жиҳатидан анча қулайликка эга бўлади.

Республикамизда мақтабгача таълим тизимининг ривожлантирилиши учун алоҳида эътибор қаратилмоқда, энг илғор хорижий тажрибалар асосида ҳар жиҳатдан замонавий тизим яратилмоқда, мақтабгача таълим тизими мазмуни ва уни амалга оширишнинг замонавий педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларидан фойдаланишнинг мақбул механизмини яратиш устида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялаш борасидаги замон талаблари даражасига олиб чиқишга эришиш, ёш авлодга таълим-тарбия беришда миллий ва умуминсоний кадриятларга таяниш орқали таълим-тарбиянинг моҳияти, мазмунини шакллантириш ва такомиллаштириш, мақтабгача таълим педагогикаси фанинг қоида ва қонунларини халқимизнинг бой тажрибалари асосида бойитиб бориш ва унинг янги қирраларини излаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидир. Ҳозирги кунда ўқув таълимий фанлар бўйича, хусусан инглиз тилини ўргатувчи технологияларнинг етишмовчилиги, инглиз тили ўқитувчиларининг касбий компетенцияси етарли даражада ривожланмаганлигини кўришимиз мумкин.. Сабаби шу вақтгача Мақтабгача таълим ташкилотлари инглиз тили ўқитувчиларини касбий маҳоратини ошириш курсларининг мавжуд эмаслиги таълим сифатининг пасайишига олиб келади. 2022 йил 1 январга қадар мақтабгача таълим тизимида замонавий ўқитиш шакллари, янги педагогик ва ахборот технологиялари жорий қилинади. Бу ҳақда АОКАда таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, илм-фан соҳасини ривожлантириш масаласида қабул қилиниши кутилаётган Президент Фармони лойиҳасига бағишланган матбуот анжуманида Мақтабгача таълим вазири ўринбосари Мақсуджон Йўлдошев маълум қилди. Бунинг учун энг аввало мақтабгача таълим

ташкilotида фаолият юритаётган педагогларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш лозим айниқса ҳозирги кунда хорижий тилга бўлган эътиборни инобатга олган ҳолда инглиз тили ўқитувчиларинин педагогик компенентлигини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш муҳим масаладир. Рақамли иқтисодиёт жадаллик билан ўсиш даврида бундай электрон платформанинг яратилиши мақсадга мувофиқдир.

Замонавий мактабгача таълимнинг асосий мақсади қуйидагиларда намоён бўлади: мактабгача таълим ташкilotлари таълим-тарбия жараёни тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш; мактабгача таълим ташкilotлари тармоғини кенгайтириш; мактабгача таълим ташкilotларини малакали ва маҳоратли педагогтарбиячилар билан таъминлаш; илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш шароитларини яратиш; мактабгача таълим сифатини ошириш, мактабгача таълим ташкilotларида болаларни мактабга сифатли тайёрлашни тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш кабилардан иборат. [2.4]

Мактабгача таълим ташкilotлари инглиз тили ўқитувчиларининг касбий компетенциясини такомиллаштиришга йўналтирилган ўқув жараёнининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, мазкур жараёнда мактабгача таълим ташкilotи инглиз тили ўқитувчиларининг касбий фаолияти учун зарур бўлган билимлар ва асосий тушунчалар ҳақида етарлича маълумот берилмаяпти. Мактабгача таълим педагогикасига оид билимлар унинг амалиётдан узилиб қолган. Бу эса мактабгача таълим самарадорлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда. Мактабгача таълим сифати ва самарадорлигини таъминлашга эришиш учун юқори малакали педагог-кадрлар ва раҳбар ходимлар тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Тадқиқот муаммосининг ҳозирги даврда ўрганилиш ҳолати ва унинг дастурий таъминоти Ўзбекистонда деярли амалга оширилмаган. Таҳлиллар ва назарий жиҳат билан чекланган, амалиётда қўлланилмаган. Россия Федерацияси, Хитой, Япония, Германия каби ривожланган мамлакатларда мактабгача таълим тизимини назарий ва методологик ўстириш тўғрисида доимий мониторинг олиб борилади. Россия Федерациясида Т.Морозовнинг “It’s long way” онлайн платформаси [3.1], барча фанларга йўналтирилган Harvard, California, Massachut университетларининг EdX платформаси, Япониянинг Eigoх электрон платформаси ва TreeWords платформалари [4.2] бунга мисолдир. Халқ таълими ходим ўқитувчи ва ўқувчилари учун бепул Coursera платформаси [5.4] мавжуд. Хитойда мактабгача ёшдаги болаларга инглиз тилини ўргатувчи GoGokid, Da-Da каби платформаларнинг фаолиятини кузатишимиз мумкин. Шу каби платформалар яна Кореяда Englishunt, Африка давлатида Teach Me 2 номлари билан мавжуд. CELTA (Certificate in Teaching English to Speakers of Other Languages) – бу бошланғич ўқитувчилари ёки расмий ўқитувчи малакасига эга бўлмаган ҳолда дарс берадиганлар учун мўлжалланган дастурдир [6.5]. ТКТ (Teaching Knowledge Test) – дастур бўлажак ёки ҳозирда амалиётда фаолият юритаётган ўқитувчиларнинг билим савиясини ривожлантириш учун мўлжалланган. ICALT (In-service Certificate in English Language Teaching) электрон платформаси ўқитувчилик қобилиятини ривожлантирмоқчи бўлган амалиётчи ўқитувчилар учундир. Delta (Diploma in Teaching English to Speakers of Other Languages) масофавий таълим дастури эса, ўқитиш методикаси бўйича билимларини ва амалий кўникмаларини оширмоқчи бўлган тажрибали ўқитувчилар учун қўлланилади. Юқорида келтириб ўтилган барча дастурлар, электрон платформалар асосий мақсади йўналиши битта яъни инглиз тилини ўрганиш ва ўргатишдан иборатдир. Буларнинг

фарқли томони шундаки, уларнинг дастурий таъминотлари ва объектлари турличадир. Лойиҳамизда ишлаб чиқиш кўзда тутилган электрон платформами булардан фарқли ўлароқ айнан мактабгача таълим тизимининг халқаро таълим сифат кўрсаткичларини оширишга, педагог ўқитувчиларини ўз-ўзини устида ишлашларига ҳамда ўзига қулай вақт ва шароитда таълим олишига хизмат қилади.

Ўзбекистонда 13 минг 500 мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Бу йил Мактабгача таълим вазирлиги тизимга болалар қамровини 2018 йилдаги 37,7 фоиздан 52 фоизга етказди. 2020 йилда бу кўрсаткич 59,5 фоиз бўлиши кутилмоқда, шунингдек, 85,2 фоиз 6 ёшли болаларни мажбурий 1 йиллик таълим билан қамраб олиш режалаштирилган. Статистик маълумотларга кўра йилдан йилга мактабгача таълим ташкилотларида болалар қамровининг ўсиши, таълим тизимининг малакали кадрларга эҳтиёжи ошишини кўрсатади. Бунинг натижасида педагог кадрлар орасида рақобат кучаяди ва бу нарса ўз ўзидан ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш дастурларига таянади. Шу пайтгача мактабгача таълим ташкилотлари инглиз тили ўқитувчилари учун касбий компетентлигини ошириш курслари ва унинг платформаси яратилмаган.

Электрон платформалар бугунги кунда ҳар қандай компания ёки таълим тизими фойдаланиши керак бўлган воситалардир. Сабаби? Бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ таълим технологияси, шунингдек мослашувчан ва мавжудлик, модернизацияга талаб ва, энг аввало, бугунги рақамли иқтисодиёт эҳтиёжларига мослаштириш талаб қилади. Электрон платформа масофавий таълимни осонлаштириш учун яратилган virtual таълимдир. Веб технологиядан фойдаланиш кундан-кунга ўсиб боради, таълим-тарбиянинг янги усуллари таълим оламига кириб келди. Ҳозирги кунда эътиборга олиш тенденцияси электрон таълимдир. Шубҳасиз, онлайн ўрганиш болалар ва ўқитувчиларга фойда келтиради. У синфдаги болаларнинг ўқув тажрибасини оширар экан, ўқитувчиларга ресурсларни чексиз етказиб топиш имконини ҳам беради. Болалар боғчаси даражасида электрон таълимни тарғиб қилиш ва амалга ошириш болаларнинг таълим истиқболларини ижобий шакллантириш учун жуда муҳимдир.

Мактабгача таълим тизимида халқаро малака талабларига жавоб берадигин педагогларни тайёрлашга кенг хизмат қилади. Биз яратаётган электрон платформа таълим сифатини оширишда, педагог ўқитувчиларнинг янги замонавий педагогик технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Электрон платформа орқали педагоглар ўзларига зарур бўлган билим ва кўникмаларга эга бўлибгина қолмай, балки эгаллаган илмий назарий билимларини тажрибалар асосида мукаммаллаштиришга эга бўладилар. Жаҳон миқёсида карантин туфайли таълим муассасаларида таълим жараёни бир оз оқсагандек бўлди. Ушбу платформа масофавий таълимнинг энг яхши шаклларида бири дея эътироф этишимиз мумкин. Маърузалар базаси ўқитувчи педагогларнинг дунёқарашини кенгайтиради. Мавзулар содда тилда тушунтирилади. Бундан ташқари, ўрганилган мавзу бўйича билимларни текшириш учун вазифалар жамланмаси ҳам тақдим этилади.

Бугунги кунда рақамли иқтисодиёт жадал ривожланган пайтда электрон ўқув платформаларининг роли бекиёсдир. Бунга талаб тобора ортиб бормоқда. Нафақат мамлакатимизда балки, бугун дунёда ўқув платформалардан фойдаланиш ва уларни оммога тақдим этиш секин аста кўпаймоқда. Биз тақдим этаётган платформа кўпроқ мактабгача таълимда фаолият юритаётган инглиз тили ўқитувчилари ўз касбий компетенцияларини ривожлантириши учун хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Мақтабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017–2021 йилларда мақтабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сонли қарори. /Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон.
3. <https://www.labyrinth.ru/reviews/goods/583624/>
4. <https://treewords.com/>
5. <https://ru.coursera.org/>
6. <https://www.cambridgeenglish.org/teaching-english/teaching-qualifications/celta/>